

Ўрол Носиров, Рая Нурқулова



АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ -
ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШДИР

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

Ўрол Носиров, Рая Нурқулова

**АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ –
ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШДИР**
(Тарғиботчилар учун услубий қўлланма)

“ТАФАККУР НАШРИЙОТИ”
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК 54(075)
КБК 72.3(50‘)

Носиров, Ўрол.

Амир темурни англаш – Ўзлигимизни англашдир/Ў.Носиров; –
Т.:«Tafakkur», 2014. - 48 б. - (Тарғиботчилар учун услубий кўлланма).

ВБК 72.3(50‘)

Тақризчи:

Ф.Ахмедшина – тарих фанлари доктори, профессор

Рисолада буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг саркардалик қобилияти, у тузган улкан империя, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва унинг оиласи ҳақида сўз юритилади.

Рисола маънавият тарғиботчилари учун мўлжалланган.

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг 2014 йил 22 март куни бўлиб ўтган йигилишининг 4-сонли қарори асосида нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-372-24-5

© «TAFAKKUR», 2014

АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ – ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШДИР

Мустақиллик, энг аввало, халқимизга муқаддас кадриятларини, бой маънавий-маданий меросини, шулар қаторида буюк сиймо Соҳибқирон Амир Темур ҳақиқатини қайтаргани билан бениҳоя азиздир. Шу сабабли Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Ҳар йили Амир Темур туғилган кун муносабати билан **“Темурхонлик кунлари”**ни нишонлаш анъанага айланган. Соҳибқирон бобомиз билан яқиндан танишиб, унинг ўзбек халқи тарихида тутган маҳобатли ўрнини англаб олдик. Бу ҳар биримизнинг ўзлигимизни англаб олишимиз учун жуда зарур эди. Соҳибқирон Амир Темур қолдирган бой тарих миллий ғуруримиз ва ифтихоримизга туганмас куч-қудрат бағишлайди. Шўролар замонида уни “босқинчи ва вайронкор”га чиқазиб, шахсига самимий ҳурмат эмас, балки нафрат уйғотишга ундовчи китоблар, мақолалар ёзилган. Фақат Мустақиллик туфайли Амир Темурнинг ўзбек халқи ўтмишидаги тарихий хизматларини холисона тиклаш имконига эга бўлдик. Истиқлол туфайлигина биз бобомиз Амир Темурни мудом эслашга, уни теран англаб олишга киришдик ва бу ўзлигимизни англашда улкан сабоқ бўлди.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги сўзлари алоҳида аҳамиятга эга: **“Кимки, ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”**.

Бу фикрнинг тағ мазмунида ўз мустақил фикри, букилмас иродасига эга баркамол авлоднинг сабоқ йўли турибди.

Етти аср муқаддам Ватанимиз худудида уруғ амирлари ҳокимияти, уларнинг тарқоқлиги, ер-мулк талашишлари, парокандалиги боис она юрт тинчлиги ва хавфсизлиги ҳеч кимни қизиқтирмай қўйган эди.

Мўғуллар ва маҳаллий мансабдорлар зулми аҳолини ҳолдан тойдирган бир шароитда бутун халқни бирлаштириб, улар ҳаётида адолат ва тинчликни тиклаш, марказлашган давлат асосини яратиш, марказий бошқарувни ўз қўлида тутиб туриш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, санъат ва ободонлаштириш соҳаларида ўзига хос “уйғониш”ни бошлаб бериб, **“Куч адолатда”** деган нақлни ўзига дастуриламал қилиб олиш Амир Темур шахсиятидаги энг муҳим хусусият эди.

Ҳар биримиз ўзлигимизни, аجدодларимиз салоҳияти, тарихда қолдирган беҳисоб меросини бор бўйи баста билан англаб олишимиз учун ҳам Соҳибқирон Амир Темур бобомизни ҳар сафар эслаб туришимиз фақат ва фақат фойдалидир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Шўролар замонида тарихий шахсларни идеаллаштирмаслик даъвати остида Амир Темур шахсига нисбатан коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб, уни “босқинчи ва қонхўр”, “мўғулдан келиб чиққан” ва “иккинчи Чингизхон” дея қарашди. Ҳаттоки академик Иброҳим Мўминовнинг мавжуд ёзма манбалар асосида **“Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли”** рисоласи (1968 йил) қанчадан-қанча қоралашларга дуч келмади, дейсиз. Шўро минбаридан туриб (“Вопросы истории”, 1973, 2-сон) тарих фанлари номзоди А.П.Новосельцов академик И.Мўминовни “Темурни бўрттириб тасвирлашни ошириб юборди, аслида у қонхўр ва босқинчи, “иккинчи Чингизхон” деб жар солди. М.Ғ.Ваҳобов эса Темур ҳақидаги рисолаи “Марксизмга зид ва зарарли асар”, у “ёшлар онгини заҳарлайди”, деб баҳолади. (“Правда Востока”, 21 июнь, 1988 йил)

Шўролар замонда антрополог М.М.Герасимов Амир Темурнинг бош суягига таяниб қиёфасини яратган эди. Унда Амир Темурнинг юз қиёфасида важоҳат, босқинчи дейишга арзигулик, ваҳм излари сезилиб турарди. Бундай қиёфали Амир Темурни бунёдкор ва илм-фан, маданият ва санъатни ардоқлайдиган, ислом динига эътиқоди мустаҳкам шахс деб айтишга каловланиб қолиш ҳеч гап эмас эди. Бунинг устига, рус шарқшунослари А.Ю.Якубовский, Т.Н.Грановский, М.Н.Иванов, Б.Д.Греков, В.В.Бартольд, И.П.Петрушевский кабиларнинг асарларида Амир Темур шахси жуда зиддиятли, “босқинчи ва қонхўр”лигини нисбатан бўрттириб кўрсатишга урғу берилган эди. Жумладан, А.Ю.Якубовский Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси **“русларнинг Куликово майдонидаги ғалабаси туфайли”**дир, деб даъво қилишдан ҳам тортинмади...

Минг шукурлар бўлсинким, айти вақтда оқни-оқ, қорани-қора деб айта олиш имконимиз бор. Аждодларимиз, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур шахси ва тарихини атрофлича жиддий ўрганиш ўзлигимизни, халқимиз тарихини, тарихий сиймоларни ҳаққоний англашга, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ўстиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши англаймиз. Бобомиз тарихини ўрганиш у яшаган замондаёқ бошланган эди. Низомиддин Жомий, Шарофиддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Муиниддин Натанзай, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Рюи Гонзалес де Клавихо кабиларнинг асарлари бу ўрганишнинг дебочаси бўлди. Ундан кейин машҳур инглиз тарихчиси Эдуард Гиббон (1787-1794), немис тарихчиси Фридрих Шлоссер (1776-1861), машҳур тарихшунос Жон Поль Ру, француз шарқшуноси М.Шармуа, рус тарихчиси М.Н.Иванин, инглиз ёзувчиси Хульда Хуккэм, Н.Н.Конрад, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовскийларнинг

асарлари яратилди. Хусусан, XVI асрдан бошлаб Европа ва Шарқда Амир Темур ва унинг ҳаётига бағишланган юзлаб асарлар, халқ оғзаки ижодида қанчадан-қанча ҳикоятлар, қасида ва бағишловлар вужудга келди.

Истиклол йилларида кўплаб тарихий асарларнинг нашр қилиниши, шу жумладан Амир Темур тарихига қизиқувчилар учун Шарофиддин Али Яздий, Низомиддин Шомийларнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арабшохнинг “Амир Темур тарихи,” Рюи Гонзалес де Клавихонинг “Самарқандга - Темур саройига қилинган саёҳат кундалиги” (1403-1406 йиллар), Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират улс-шуарон”, Ибн Халдуннинг “Таржимаи холи”, Мирҳонднинг “Равзат ус-сафо”, Муъиниддин Натанзайнинг “Мунтаҳоб ат-таворих”, Фосих Аҳмад Хавофийнинг “Мужмали Фасихий”, Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” каби асарларининг тўлиқ ва баъзида парчаларининг тақдим этилиши, улар изидан “Амир Темур Тузуклари”, Соҳибқирон бобомиз босиб ўтган йўл, кечмиш-кечирмишлари билан бевосита боғлиқ асарлар, мажмуалар, туркум мақолаларнинг эълон қилиниши жуда муҳим воқеа бўлди. Бугина эмас, балки Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома”, Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур” романи, Муҳаммад Алининг “Буюк салтанат” тетралогияси, Поён Равшановнинг “Амир Темур сулоласи” тарихий романи, Турғун Файзиевнинг “Темурийлар шажараси”, “Темурий маликалар”, Сабоҳат Азимжонова, Бўрибой Аҳмедовларнинг “Темур давлати” каби ўнлаб китоб ва мақолалари Соҳибқирон Амир Темур сиймосини кенг ўрганишда муҳим манбалар бўлгани бор гап.

Ҳоҳида Соҳибқирон Амир Темур ва унинг даврига бағишланган асарлар билан танишганда тарихимизни бутун мураккаблиги билан тасаввур қилишнинг зарурлиги ҳаёлга келади. Истиклол туфайли Амир Темур сиймоси ўзбек халқининг тимсолига айланди. Бинобарин,

Амир Темур сиймосини, у барпо этган давлатни, темуррийлар сулоласи тарихини, Ватанимиз тарихининг таркибий қисми сифатида анъанавий эслаб туриш нафақат бугунги ҳаётимиз учун балки дориломон келажақ учун ҳам жуда муҳимдир.

Шундай экан, анъанавий “Темурхонлик кунлари” орқали Амир Темур ҳазратлари сиймосини хаёлан кўз ўнгимизда яна бир бор гавдалантириш, у босиб ўтган тарихий йўлни теран мушоҳада қилишнинг аҳамияти ҳам улкан.

Амир Темур ҳақида бирмунча бой ва ранг-баранг манбаларга эга бўлсак-да, унинг сиймосини яратиш яқин вақтларгача ўз ечимини кутаётган муаммо бўлиб келди. Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибқирон ҳайкалини яратиш жараёнида ҳаққоний киёфасини тиклаш борасидаги Президент И.Каримовнинг кўрсатмалари туфайли Амир Темурнинг асл киёфасини яратиш борасида қатта қадам қўйилди. Дарвоқе, Амир Темур ҳаёти, саркардалиқ ва давлат арбоби сифатидаги серқирра фаолиятига гувоҳ бўлган Ибн Арабшоҳ унинг сиймосига доир муҳим белгиларни ёзиб қолдирган эди: **“Темур кўркмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчи бўлиб, жасоратлиларни, довурак ва мардларни ёқтирар эди. Улар ёрдамида даҳшатли жойлар қулфларини фатҳ этиб, одамлар шерларини ўлжа қилар, улар зарбалари билан баланд тоғ чўққиларини вайрон қиларди. У беҳато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азим билан сўзловчи, (бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй (киши) эди”**. (Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, Т., 1992, 65-бет).

Истеъдодли адабиётшунос, асосий диққат марказида Қашқадарё, Қарши, Шаҳрисабз тарихлари, Соҳибқирон



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1184> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1184> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1184>